2007 ЙИЛ, 9 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 195 (11.004) Баҳоси эркин нархда

ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5-6 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА БЎЛИБ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ҲАМДА ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ (ЕВРАЗЭС) ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ВА КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (КХШТ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

МДҲ мамлакатлари ўзаро иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга. Ташкилотнинг сўнгги саммитларида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш кенгроқ муҳокама қилинадиган масала бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган МДҲ энди халқаро муносабатларнинг янгича асосдаги тамойилларига мослашиши керак.

Шу боис МДҲни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикрдир. Бу ҳамфикрлик ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, синалган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон. МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалари уйғунлиги уларни бир-бирига янада яқинлаштиради.

2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида МДҲ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Давлатлараро ишчи гуруҳи ташкил этиш ва мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса концепцияни тайёрлашнинг бориши кўриб чиқилди.

5 октябрь куни бўлиб ўтган Душанбе саммитида асосий диққат-эътибор МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига қаратилди. Музокаралар якунида президентлар томонидан мазкур икки ҳужжатнинг имзоланиши ушбу олий даражадаги учрашувнинг асосий натижаси бўлди.

Саммит қатнашчилари миграция билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиб, бу борада ўзаро келишилган сиёсат юритиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, саммитнинг якуний ҳужжатлари орасидан жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар жой олди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашига раҳбарлик Қирғизистон Республикасига ўтгани, Россия Федерацияси вакили Сергей Лебедев Ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси раиси этиб тайинлангани маълум қилинди.

Душанбеда 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

ЕврАзЭС ва КХШТнинг саммитлари кўпинча бир вақтда ўтказилиши бу икки ташкилотнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Зотан, иқтисодий тараққиёт ва ривожланган интеграцияни хавфсизлик ва барқарорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаб келади.

2000 йил октябрь ойида тузилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини ташкил этиш жараёни бошлаб юборилган. Учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божхона тарифларини бирхиллаштириш ҳаракати фаол давом этмоқда. Ҳамжамият фаолиятининг самараси сифатида фуқароларнинг визасиз борди-келди тизими жорий қилингани, олий ўқув юртларига кириш, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби яратилиши билан боғлиқ кўплаб ижтимоий қулайликлар мавжуд. Айни пайтда аъзо давлатлар ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 70 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур кўрсаткич муттасил ўсмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Брест шаҳрида ташкил этилган биринчи Евроосиё ўйинларида Ҳамжамият мамлакатларидан 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани, 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани гуманитар ҳамкорлик ривожланаётганидан далолатдир. Шунингдек, ЕврАзЭС ҳузурида тузилган Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди, Евроосиё банки, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар Ҳамжамият доирасидаги алоқалар қамрови нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.

ЕврАзЭСнинг Душанбе саммитида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини шакллантириш ва сув-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш концепциялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди.

Президентлар ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт иттифоқини ташкил этиш, аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, транспорт ва коммуникациялар бўйича халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. ЕврАзЭСни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси юзасидан фикр алмашдилар. Келгусида микроэлектроника, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа турдаги машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини ривожлантириш каби соҳаларда давлатлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг ижросига Евроосиё банки ресурсларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишга келишиб олинди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар, жумладан, Божхона иттифоқининг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи ҳужжатлар, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумий энергетика бозорини тузиш концепциялари, БМТ билан ҳамкорлик, Халқаро авиация қўмитасига ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомини беришга оид қарорлар қабул қилинди.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятининг 2007-2008 йиллардаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Коллектив хавфсизлик кенгаши мазкур ташкилотнинг олий органидир. КХШТ ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади. Президентлар мазкур органларнинг мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар. Ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Сессияда КХШТ доирасида тинчликни сақлаш билан боғлиқ фаолият механизмининг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш ҳамда ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Саммит якунида тинчликни сақлаш фаолияти, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар, Коллектив тинчликни сақлаш кучлари ва Тинчликни сақлаш операцияларини тайёрлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳга оид ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур икки саммит ЕврАзЭС ва КХШТни ривожлантириш ва уларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. МДҲнинг Душанбе саммити эса Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Душанбе – Тошкент.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш, хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизматлар турларини кўпайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳаларда 624,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 142,9 фоиз кўп, демакдир.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 4,52 миллионга етган, Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 1,9 миллиондан ортган.

Инвестиция дастури ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлил қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш ҳамда 2008 йил учун тайёрланаётган хорижий инвестициялар дастури таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғи ва миқдорини ошириш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Эл севган созанда» мавзуидаги адабий кеча ва концерт дастури Машинасозлар касб-ҳунар коллежи қошидаги ахборот ресурс маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан Тошкент шаҳар болалар руҳий асаб касалликларини даволаш маркази янги бинода фаолият бошлади.

● **ЭРТАГА** шаҳримизда «Транспорт ва логистика Транс Ўзбекистон — 2007» Халқаро кўргазмаси очилади.

● **КЕЧА** Бадиий академияда бир неча кундан бери давом этаётган «Афсоналар ва воқелик» мавзуидаги амалий санъат намуналари кўргазмаси якунланди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 2-мурувват уйи Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланган янги бинода фаолият бошлади.

● **РЕСПУБЛИКА** киночилар уйида ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Адвокатлар» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

"ШЕВРОЛЕ" ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН "GENERAL MOTORS EUROPE" КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ КАРЛ ПЕТЕР ФОСТЕР ВА "GM DAEWOO AUTO & TEHNOLOGY" КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЙКЛ ГРИМАЛЬДИ 8 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ РУСТАМ АЗИМОВ ВА ҚУВОНДИҚ САНАҚУЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ. МУЗОКАРАЛАРДА "ЎЗДЭУАВТО" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НЕГИЗИДА "ШЕВРОЛЕ" АВТОМОБИЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БЎЙИЧА "GM ЎЗБЕКИСТОН" ҚЎШМА КОРХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Музокаралар якунида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти, "General Motors Europe" ҳамда "GM Daewoo Auto & Tehnology" компаниялари раҳбарлари тегишли битимни имзолади.

Ушбу воқеага бағишланган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларига янги қўшма корхонани ташкил этиш мақсадлари ва унинг ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш бўйича истиқболдаги режалар ҳақида маълум қилинди.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини адо этган ҳолда катта меҳнат ғалабасига эришганлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилояти пахтакорларига самимий табрик йўллади.**

● **Кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида IV Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки дунёнинг 33 мамлакатидан 156 нафар ижодкор ўз асарлари билан иштирок этган мазкур кўргазма кўплаб янги номларни кашф этди.**

● **Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Классика ва замонавийлик» лойиҳаси доирасида ташкил этилган Ўзбекистон ва Германия мусиқачилари иштирокидаги қўшма концерт бўлиб ўтди.**

● **Марғилон шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда шаҳарда фаолият кўрсатаётган 38та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркасида рўйхатга олинган 71 нафар фуқаро турли ташкилот ва корхонага ишга юборилди.**

● **Бухоро вилоятининг «Истиқлол» телевидениесида яна бир ижодий янгиликка қўл урилиб, «Ёшлар овози» студияси ташкил этилди.**

● **Мухтор Ашрафий уй-музейида «Менинг Ўзбекистоним» номли кўргазма очилди. Унда бадиий суратkашлик устаси А.Попов ҳамда терига нақш тушириш бўйича мутахассис Д.Касаткинларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазма Мухтор Ашрафий номидаги уй-музей ҳамда республика болалар, ўсмирлар туризми ва ўлкашунослик марказининг «Ниҳол» музей галереяси томонидан ташкил этилди.**

● **Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театри жамоаси Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари асосида «Ҳаё» номли янги саҳна асарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.**

● **Когон тумани марказига туташ Туткунда қишлоғида 4-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. 640 ўринли, замонавий спорт залига эга бўлган бинони «Бухорожамоақурилиш» акциядорлик жамиятининг 51-махсус механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари қуриб битказишди.**

ЖАҲОНДА

● **Кеча Швеция пойтахти Стокгольмда 106-Нобель ҳафталиги доирасида физиология ва тиббиёт соҳасида эришган муваффақиятлари учун АҚШлик уч нафар генетик олим бу йилги дастлабки Нобель мукофотига лойиқ деб топилди. Таъкидлаш керакки, ушбу мукофот соҳиби 1,54 миллион доллар миқдоридаги маблағ ва олтин медаль билан тақдирланади. Мукофотлар шу йилнинг 10 декабрида топширилади.**

● **Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси шу йил 2 декабрь куни Давлат думаси учун бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишни хоҳлаб ариза берган 14 партиянинг рўйхатини тасдиқлади.**

● **Ироқ Президенти Жалол Талабоний АҚШ Сенати томонидан қабул қилинган резолюцияни қўллаб-қувватлади. Ушбу ҳужжатда мамлакатни этник жиҳатдан бир неча қисмга бўлиб чиқиш режаси баён этилган. Бундан ташқари резолюцияда Ироқ ҳукумати ваколатларини қисқартириб, минтақалар ҳукуматларининг вазифаларини кенгайтириш ўрин олган.**

● **Кеча ўзининг парламентдаги чиқишида Буюк Британия Бош вазири Гордан Браун 2007 йилнинг баҳоригача Ироқдаги беш минг кишилик мамлакат ҳарбийлари сонининг тенг ярмига қисқартирилишини билдирди.**

● **Кеча Грузия суди собиқ Ички ишлар вазири Ираклий Окруашвилини 6,5 миллион долларлик гаров пули эвазига ҳибсдан чиқариб юбориши мумкинлигини билдирди.**

● **Кеча малика Диананинг ўлими сирларини аниқлаш бўйича суд жараёнларида фаолият юритаётган 11 нафар судья бевосита автоҳалокат рўй берган жой — Париждаги туннелни бориб бевосита кўздан кечирди.**

● **Хитойга кучли тропик қуюн яқинлашиб келаётгани сабабли миллионлаб аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. Маълумотларга қараганда, «Кроса» қуюни бундан олдин Тайванга ҳуруж қилиб, беш кишининг ҳаётига зомин бўлган.**

● **Гонконгда ўтказилган ким ошди савдосида олти каратлик жуда ноёб зангори олмос тош 8 миллион долларга сотилди. Олмосни ким харид қилганлиги ошкор этилмаяпти. Таъкидлаш керакки, бу олмослар савдоси тарихидаги энг йирик суммадир.**

● **Чикагодаги анъанавий кузги югуриш марафонида ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетиши кўпчилик қатнашчиларга ёмон таъсир қилди. Хусусан, термометр симобининг 31 даражага чиқиши натижасида 49 нафар марафон қатнашчиси касалхонага ётқизилди, 250 нафар югурувчига эса жойида тиббий ёрдам кўрсатилди, битта қатнашчининг эса ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасига асосан қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 9,14-моддаларига мувофиқ куни кеча матбуотда Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда республикамизнинг ҳар бир минтақаси бўйича ташкил этилган сайлов округи, шунингдек округ сайлов комиссиясининг сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда жойлашган манзили ҳам қайд этилган. Чунончи, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1531,4 минг киши.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида округ сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Қайд этилган қонуннинг 18[1]-моддасида округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиниши ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилиши белгиланган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар муҳокама қилиниб, Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Айтиб ўтиш жоизки, округ сайлов комиссияси аъзолигига кўрсатилган ҳар бир номзод депутатлар томонидан алоҳида муҳокама қилинди. Бу борада номзоднинг тегишли вазифага тўлиқ муносиблиги, хусусан жамоатчилик орасида обрў-эътиборга лойиқ, ижтимоий-сиёсий фаолиятдан воқиф, шубҳасиз, ҳалол, холисона фикр билдиришга қодирлиги инобатга олинди. Қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда округ сайлов комиссияси аъзолигига кўрсатилган номзодлар партиясиздир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига асосан Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси туман ҳокимликларининг тақдимномасига биноан сайлов участкаларини тузишга ваколатлидир. Сайлов участкалари туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси ишида туман ҳокимлари, тегишли бошқармалар ҳамда жамоат тузилмалари раҳбарлари иштирок этганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир биринчи галдаги вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада туман ҳокимликлари томонидан сайлов участкалари учун бинолар ажратилиши, участка сайлов комиссияларининг самарали фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратиб берилиши лозимлиги қайд этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ПОЙТАХТДА УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

Йиғилишда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан, шунингдек, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тафовутларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўқитувчилари салоҳиятини ушбу соҳанинг тез суръатларда ўзгариб бориш тенденциясини ўзлаштириш ва ўқув жараёнларига татбиқ этиш, шунингдек, масофадан ўқитиш ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ишларни жадаллаштириш борасида тегишли топшириқлар берилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қишлоқ жойларда телекоммуникациялар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларга эътиборни янада кучайтириш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

"ШЕВРОЛЕ" ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлардан бирига айланди. Асакада ишлаб чиқарилаётган "Матиз", "Нексия", "Дамас" ва "Ласетти" машиналари юқори сифати ва юксак техник хусусиятлари туфайли кўплаб давлатларда харидоргир. Бу ерда ишлаб чиқариш мунтазам такомиллаштирилиб, замон талабига мувофиқ модернизация қилиб борилмоқда. Энди эса Асакада бир неча русумдаги дунёга машҳур "Шевроле" автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади.

— "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасидир, — деди матбуот анжуманида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Улуғбек Розиқулов. — Қисқа вақт ичида барча тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлди. "General Motors" жаҳон автобозорида ишончли ҳамкор, автомобиллар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича йирик корхоналардандир. "General Motors"нинг илғор технологияларини сўнгги йилларда Ўзбекистонда тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаси билан бирлаштириш, шубҳасиз, юксак натижаларга эришиш имконини беради. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бир қаторда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир мавжуд лойиҳаларни кенгайтиришни ўз ичига олган бундай ҳамкорлик мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

"General Motors Europe" президенти К.П.Фостер Ўзбекистон раҳбарига янги йирик қўшма корхонани ташкил этиш жараёнида кўрсатган ҳар томонлама ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этди. "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасининг ташкил этилиши Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. "General Motors" ва Ўзбекистоннинг ресурсларидан фойдаланиш "Шевроле" русумидаги машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради. Кўшма корхона биринчи навбатда учта русумдаги "Шевроле" — йил охиригача 2 мингта "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" машиналарини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Кейинчалик эса бундай русумдаги автомобиллар сони янада кўпайтирилади.

— Келажакда қўлга киритадиган муваффақиятларимизга Асакада катта ишлаб чиқариш қуввати ва юқори малакали кадрларга эга замонавий корхонани ташкил этган ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан асос солинди, — дейди "GM Daewoo Auto & Tehnology" компанияси президенти М.Гримальди. — Янги русумдаги "Шевроле" автомобилларига дунёда талаб катта. Ўзбекистонда қўшма корхонанинг ташкил этилиши Марказий Осиё ва Шарқий Европада ушбу русумдаги автомобиллар бозорини кенгайтириш имконини беради. "General Motors" бу жараёнга ўз тажрибаси ва "ноу-хау"сини жалб этади, бу ерда меҳнат қилаётган мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўяди ва экспертлар ёрдамини тақдим этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар "Шевроле" талабларига тўлиқ мос келишини кафолатлайди. Бугунги Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётган мамлакатдир. Бу ўзаро фойдали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, матбуот анжумани иштирокчиларига "GM Ўзбекистон" қўшма корхонаси "General Motors"нинг ишлаб чиқариш, харид қилиш ва етказиб бериш бўйича глобал тизимига киритилиши ҳақида маълум қилинди. Йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқарадиган Асака заводининг қуввати яқин вақт ичида 250 мингтага етказилади. Бундай автомобиллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Бу эса Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ушбу эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Шу куни "Ўзэкспомарказ"да "Шевроле"нинг "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган янги ва замонавий русумдаги автомобилларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири
Сарвар Ўрмонов олган сурат.

Иқтисодиёт

БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

ТАБИИЙ ТОШНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА БУНЁДКОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАЁТГАН «QIZIL TOSH» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ИНШООТ ВА КЎЧАЛАР КЎРКИНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИСС ҚЎШМОҚДА.

Ушбу корхона табиий тошдан турли ранг ва жажмдаги, дизайни билан ажралиб турувчи маҳсулотлар тайёрлашда республикамизда етакчи ўринда туради. Тадбиркорлар буюртмачи талабидан либ чиқиб уй-жой, савдо ва жамоат бинолари ва ҳудудлари, фавворалар, кўчаларни безатиш ўз маҳсулотларини тайёрлаб боради. Корхона мутахассислари ҳар қандай мураккаб буюртмаларни ижодий ишлаш тажрибасига эга. Шунингдек, улар тошни қайта ишлаш, лойиҳалаш ва дизайн яратиш бўйича ҳамкорловчиларга маслаҳатлар беради. Ҳозирда пойтахтимиз ва республикамиз вилоятларидаги бунёдкорлик ишларида корхона маҳсулотларидан унумли фойдаланилмоқда.

ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ҚАДОҚЛАНМОҚДА

ЦЕЙЛОН ВА ҲИНД ЧОЙЛАРИ ЎЗИНИНГ ЁҚИМЛИ ТАЪМИ БИЛАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРА ҲАМИША МАНЗУР БЎЛАДИ.

Пойтахтимизда 1995 йилдан буён фаолият юритаётган «WESTLAMD GENERAL TRADING» шўъба корхонасида Дубай давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳлар асосида цейлон ва ҳинд чойлари қадоқланиши йўлга қўйилган. Ҳозирда корхонада меҳнат қилаётган 49 нафар ишчи-хизматчи манфаати билан «Вестон» ҳамда «Араб» чойлари 100 грамда 500 граммлик қоғоз қутиларда талаблар даражасида қадоқланмоқда.

— Корхонамизнинг фаолият кўрсатаётганига 10 йилдан ошди ва малакатимиз бозорида ўзини муносиб ўрнига эга, — дейди технолог Зиёда Абдураҳмонова. — Кунига 4,5 тонна қора ва кўк чойларни қадоқлаш имкониятига эгамиз. Қадоқлаш жараёнида маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратамиз ва доимо ўз харидорларимизни сақлаб қолишга интиламиз. Пойтахтимизда ўтказилаётган кўргазма, ярмарка ва кўрик-танловлардаги иштирокимиз буюртмачиларимиз сафи кенгайишида катта аҳамият касб этмоқда.

Келгусида корхонага янги дастгоҳлар келтирилиши ва бир дамлам — 2 граммлик пакетчаларда кўк ва қора чойларни қадоқлаш кўзда тутилган. Албатта, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Шарофат БАҲРОВА

ЮКСАЛИШ САРИ ҚАДАМ

ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. АВВАЛО, БУ СОҲА РАҚОБАТГА БАРДОШИГИ БИЛАН АНЧАЙИН ҚУЛАЙ ҲИСОБЛАНСА, КЎПЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ, КЕРАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

2005 йилда фаолиятини бошлаган «Istiqbol» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, янгиликка ўч, ишчан тадбиркор Шавкат Ҳожимуҳамедов 30 нафар йигит-қизларни иш билан таъминлади. Корхона цехларида Россия давлатидан келтирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарали дастгоҳ ва ускуналари мададида аҳоли дастурхони тўкин-сочинлигини таъминлаш йўлида сифатли, хуштаъм қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур ширинликлар бугунги кунда 25 турдан иборат бўлиб, печенье, мармелад, пряник, пирожнийлар харидорларни мамнун қилмоқда. Қувончарлиси, барча маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Хусусий тадбиркорнинг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли корхонага замонавий, хорижий технологиялар келтирилиб, сифатли, харидоргир халқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи тизимни йўлга қўйиш асносида яна 50 нафар фуқароларнинг иш билан таъминланиши келгуси истиқболда белгиланган.

БУЮРТМА АСОСИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «ТЕХНОЛОГ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА. КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА МАЗКУР ЖАМИЯТ ҚОШИДА КЎПЛАБ ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШМОҚДА.

«Технолог-Техпласт» шўъба корхонасида ҳам юзирда 100 нафар малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Улар цехлардаги юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар мададид пластмасса, металлдан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, мазкур корхона жамоаи ностандарт дастгоҳ ва ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмларни буюртма асосида тайёрлаб, республикамиз ғйлаб мижозларга етказиб бермоқда. Ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳорати туфайли машина қурилишмаҳмуалари учун дастгоҳлар тайёрловчи корхоналарга лойиҳалашдан бошлаб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишгача бўлган жараёнларда иштирок этишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН СУДЬЯЛАР УЮШМАСИНИНГ НАВБАТДАГИ СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА СУДЬЯЛАР, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ, ОЛИЙ СУДИ, ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, БОШ ПРОКУРАТУРА, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН АДВОКАТЛАР УЮШМАСИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Анжуманда уюшманинг 2002 — 2007 йиллар давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди ҳамда келгуси фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

Съездда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Олий суди раиси А.Ишметов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган уюшма ўтган давр давомида мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга оширилишига, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий институт сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўша оладиган мустақил, салоҳиятли жамоат ташкилотига айланиб, самарали фаолият кўрсатиб келаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Съездда беш йиллик фаолият якунлари таҳлил қилиниб, уюшма суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини яратишда фаол иштирок этганлиги таъкидланди. Хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноятлар таснифини жазони енгиллаштириш томонга ўзгартириш, ярашув институтини жорий қилиш, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартибини киритиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳамда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда Уюшма бевосита иштирок этди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш, судьялар орасида суд этикаси қоидаларини тарғиб қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Жумладан, ушбу долзарб мавзуларда ўндан ортиқ халқаро ва минтақавий конференциялар ташкил қилинди. Ассоциация томонидан «Ҳуқуқшунос» даврий журнали таъсис этилиб,Интернетда расмий веб-сайти жойлаштирилди.

Охирги йилларда уюшма томонидан халқаро юристлар ҳамжамияти ва хорижий давлатлар судларининг жамоат бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Халқаро юристлар иттифоқи, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг судьялар уюшмалари ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Юристлар жамияти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди.

Съездда ташкилий масала кўриб чиқилди. З.Худойқулов уюшма раиси этиб сайланди.

Мухтасар қилиб айтганда, съезд амалий руҳда ўтди. У иштирокчиларга ўзаро фикр алмашиш, мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини такомиллаштириш йўналишларини яна бир бор таҳлил қилиб олиш имконини берди.

(Ўз мухбиримиз)

Заҳматкашларимиз

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, УНИ АСРАБ АВАЙЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВА МУҲИМ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИДИР. БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАТОР ХАЙРЛИ ВА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШИФОКОРЛАРИМИЗ ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ БОР БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИНИ ИШГА СОЛИБ ИНСОНЛАР СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА АСТОЙДИЛ БЕМИННАТ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

Агар киши бетоб бўлса, дунё кўзига қоронғу кўриниб кетади тушкунликка тушиб, кайфияти йўқолади. Ҳаётнинг, яшашнинг маъно ва мазмунини ўшандагина теран англагандай бўлади. Яхшиям беморлар дардини аритувчи, уларга дармон бўлувчи шифокорларимиз бор. Улар боис ҳар қандай озор берувчи касалликдан фориғ бўламиз, яшашга иштиёқимиз ортади. Бугунги мақоламиз қаҳрамони ҳам неча йилдирки, инсонлар саломатлигини тиклаш, даволаш йўлида тиним билмай меҳнат қилиб келмоқда.

Фарҳод Даутов 1972 йилда ўрта мактабни олтин медалга битириб, ўша йилнинг ўзидаёқ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ҳужжатларини топшириб, мазкур институтнинг талабаси бўлди. 1978 йил эса институтни муваффақиятли тугатиб, 1-Республика клиникасида жарроҳ сифатида илк иш фаолиятини бошлади. 1986-1989 йиллар мобайнида жарроҳлик кафедрасида, аспирантурада илмий изланишлар олиб борди. 1989 йилнинг охирларида эса «Сурункали абдоминал ишемия, қорин стволи стенози билан хасталанган беморларда пастки қизилўнгач сфинктерининг ҳолати» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1989-1997 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтида жарроҳлик кафедрасида ассистентлик вазифасида ишлади ва шунинг баробарида илмий ишлар олиб борди. Фарҳод ака иш билан изланишдан , китоб мутолаа қилиб ўрганишдан сира ҳам чарчамасди. Шу боис 1997 йилда «Йўғон ичак амебмазини хирургик даволаш» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Иш фаолияти давомида Москва шаҳридаги Проктология илмий текшириш институтида ва Украинанинг Киев шаҳридаги Тиббиёт институтида ўз малакасини ошириб борди. 70 дан ортиқ илмий мақола ва 2 та кашфиёт эгаси бўлган профессор Фарҳод Даутов 1997 йилдан то ҳозирги кунгача Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жарроҳлик кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Етук педагог, иқтидорли олим, малакали жарроҳ институтнинг режали ишларини бажаришда ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, ўз малакасини, сиёсий, иқтисодий, илмий ва назарий савиясини доимий равишда оширади боради.

— Ҳар қандай касбнинг ҳам ўзига хос машаққатлари ва қийинчиликлари бор, — дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тез тиббий ёрдам кафедраси профессори Фарҳод Даутов биз билан суҳбатда. — Аммо шифокорлик касби жуда масъулиятли ва машаққатли касб. Чунки бу касб замирида инсон қисмати ётади. Ҳар қандай кичик хато катта фожеага сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам шифокорлардан зийраклик, тезкорлик, асосийси эса билимдонлик талаб этилади. Мен ўз касбимни жуда ҳам севаман ва фахрланаман. Чунки одамлар соғлиғини тиклаш, уларга ёрдам бериш, турли азобли оғриқлардан ва дардлардан уларни халос этиш шарафли ва заҳматли касбим билан боғлиқдир. Умр йўлларимга назар солар эканман унинг ҳар бир лаҳзаларидан шукроналик туйғусини ҳис қиламан. Нимагаки, ҳаётимни инсонлар соғлиғини тиклашдек машаққатли ишга сарф қилдим, илмий изланишлар олиб бордим, шогирдлар етиштирдим, солиҳ фарзандлар тарбияладим. Турмуш ўртоғим Маҳсудахон ҳам тиббиёт фанлари номзоди. Айни кунларда 2-шаҳар шифохонасида кардиология бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Аслида яшашнинг моҳияти меҳнат ва унинг ортидан келадиган роҳат билан янада ширин ва мазмунлидир. Истардимки ҳар бир шифокор ўз касбини севсин ва эъзозласин, доимо тийрак ва ҳушёр бўлсин, ана шундагина беморларимиз бетобликларини унутадилар, ҳаётга меҳр, иштиёқ ва ишонч билан мамнун боқадилар, шифокор бахти эса беморлар соғлиғи ва шодлиги билан тўкисдир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жарроҳлик кафедраси профессори Фарҳод Даутов шогирди билан.

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Туманларда

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ВА СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН КЎП САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2002 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ МАНА ШУ ЙЎЛДАГИ ХАЙРЛИ НИЯТНИНГ ЯНАДА КЕНГРОҚ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ, БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА МЕҲР УЙҒОТИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ИНТИЛИШ, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИНГ МУНТАЗАМ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТНИНГ ЯРАТИЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Бу борада шаҳримизнинг 11 та туманларида болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг етакчи мутахассислари иш олиб бориб, болалар спортини тараққий эттириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш ва ўтказиш, оммавий спорт турларига кенг кўламда жалб этиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларга керакли шароитларни яратиш, айниқса хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби бир қатор мақсадлар йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

—Мақсадимиз ёшларимизнинг келажакда соғлом, бақувват, маънан ва руҳан баркамол бўлишлари, спортни кундалик эҳтиёжга айлантириш, айни дамда улар қайси спорт тури билан шуғулланишмасин тегишли шарт-шароитлар яратиб, спорт анжомлари билан таъминлашдир,—дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сергели туман бўлими вакили Хайрулла Якубов.— Айни кунларда туманда мусобақа, спортнинг бир қанча турлари бўйича ташкил этилаётган тадбирлар юқори кўтаринкиликда ўтмоқда. Сергели туманидаги коллеж ва мактаб ўқувчилари ўртасидаги шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар, турон яккакураши, таэквандо бўйича жамоалар ўртасидаги Тошкент шаҳар биринчилиги учун бўлиб ўтган спорт мусобақалари барчада катта қизиқиш уйғотганлиги билан эътиборга моликдир. Ёки республикада хизмат кўрсатган мураббий Маъруф Акбаров хотирасига бағишланган футбол бўйича 1996-1997 йилларда туғилган болалар ўртасидаги турнир, муайтай бўйича 1993-94, 1995-96 йилларда туғилган болалар ўртасидаги республика турнири, туман таълим муассасаларининг барчасида профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг ғалабасига бағишлаб спортнинг волейбол, стол тенниси, қўл тўпи, шахмат-шашка турлари бўйича бўлиб ўтган мусобақалар барчада катта таассурот қолдириб, спортчи болажонлар сафининг ошишига хизмат қилди.

Албатта ҳар бир ўтказилаётган тадбир ва спорт мусобақалари «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, МК «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими, туман маданият ва спорт бўлими ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил даврини мароқли, мазмунли уюштириш ва яхши дам олишларига кўмаклашиш мақсадида «Ёз—2007» шиори остида спортнинг 9 та тури бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилди. Маҳаллаларда истиқомат қиладиган болаларнинг ҳам бу мусобақаларда қатнашишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Албатта мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланиб, шаҳар босқичига йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Шунингдек, жамғарма томонидан кам таъминланган 200 дан ортиқ оила фарзандлари спорт анжомлари билан таъминланди. Айни кунларда туманда фаолият кўрсатаётган спорт мажмуаларига қўшимча иккита бадминтон майдончасини қуриш режалаштирилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижроси бўйича ҳам мақсадли, режали ишлар амалга оширилиб, туманда вояга етаётган ҳар бир боланинг спортнинг бирон бир тури билан шуғулланишларига шарт-шароит яратишга эътибор қаратилди. Бугунги кунда тумандаги спорт комплексларида 14.000 дан ортиқ ўғил-қизлар мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келмоқдалар. Албатта бу соғлом турмуш тарзи йўлидаги ишларимизнинг яхши натижасидир.

Дарҳақиқат, соғлом авлод— юрт келажаги. Уларнинг соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб вояга етишларига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сергели туман бўлими томонидан ўтказилган спорт мусобақаларидан лавҳалар

ГАЙРАТЛИЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

МАЪЛУМКИ, РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИГА ҲАМ ЯҚИНДА 5 ЙИЛ ТЎЛАДИ.

Ушбу Фармон ижроси йўлидаги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари айтиш мумкинки жамғарма фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада аниқлаштириб беришга хизмат қилди.

Яқинда ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда жамғарма совринди учун оммавий ахборот воситалари ходимлари фарзандлари ўртасида спортнинг шашка, стол тенниси, волейбол, мини-футбол, сузиш турлари бўйича спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Барчада катта қизиқиш уйғотган ушбу тадбир Тошкент Давлат техника университетининг спорт мажмуасида ташкил этилди.

Мусобақаларда Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ёшлар», «Тошкент», «Ўзбекистон», «Спорт», «Марказий аппарат», «Автокорхона», «Поликлиника» каби жамоалари ўзаро беллашдилар. Беллашувлар давомида иштирокчилар, уларнинг ота-оналари ва томошабинлар шўх куй-қўшиқлар тинглаб, мароқли дам олишди.

Тадбирда жами 200 нафар спортчи болалар иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин — «Поликлиника», 2-ўрин — «Спорт», 3-ўрин — «Автокорхона» жамоаларига насиб қилди.

Тадбир сўнгида барча спорт турлари бўйича ғолибларга спорт анжомларидан иборат соврин ва дипломлар, Ўзтелерадиокомпаниянинг кубоклари тақдим этилди. Шунингдек Ўзбекистон телерадиокомпанияси касаба уюшмаси томонидан иштирокчи ва меҳмонларга байрамона дастурхон ёзилди.

Айтиб ўтиш жоизки, навбатдаги мусобақа шаҳримизда фаолият кўрсатаётган радио, газета ва журналларда хизмат қилаётган ходимларнинг фарзандлари орасида бўлиб ўтади. Хусусан 17-20 октябрь кунлари барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ОАВ ходимлари фарзандлари жамоалари ўртасида мусобақаларининг республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Сенинг тенгдошинг

ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ УНИНГ ВИЛОЯТ, ШАҲАР ВА ТУМАН БЎЛИМЛАРИ РЕЖАЛИ, ИСТИҚБОЛЛИ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРАЁТГАНИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛДИР.

Таъкидлаш жоизки, болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишда болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолотга интилиш, уларни барқарор феъл-атворли, Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз юртига ғурур ва ифтихорли руҳда тарбиялаш каби бир қатор хайрли мақсад ва вазифалар белгилаб олинган эди.

Мана бугун ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасини ҳамма кўриб, билиб турибди. Истеъдодли, иқтидорли спортчи-ёшлар мустақил юртимиз байроғини жаҳон ва халқаро спорт мусобақаларида баланд кўтариб Ўзбекистон номини дунёга танитмоқдалар. Биргина мисолни келтириб ўтадиган бўлсак 1991 йилда туғилган — мустақиллик тенгдошлари бўлган ўсмир-ёшларнинг эришаётган натижаларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун уларнинг айримлари билан сизларни таништириб ўтишни лозим топдик.

● Шаҳбоз УБАЙДУЛЛАЕВ, Собир Раҳимов туманидаги лицей ўқувчиси, спортнинг кикбоксинг тури бўйича республика, тўрт карра Қозоғистон очиқ чемпионати ғолиби:

— Мустақиллик тенгдоши эканимдан фахрланаман, унга муносиб бўлишга интиламан. Ниятим — тенглар ичра тенг бўлишга интилаётган Ўзбекистонимиз довруғини океанлар оша ошириш, енгилмас курашчилар сафида бўлиш.

● Камолиддин ШЕРМАТОВ, спортнинг кикбоксинг тури бўйича уч марта Ўзбекистон, икки марта Қозоғистон чемпиони:

—Тенгдошларим менга ҳавас билан қарашганда кўнглим алланечук бўлиб фахрланиб кетаман. Бу қандай бахт дейману машғулотларда янада кўпроқ тобланишга, чиниқишга, тинимсиз шуғулланишга ҳаракат қиламан. Ҳали ҳаммаси олдинда. Мустақил Ўзбекистонимиз байроғи шарафларга бурканиб халқаро спорт мусобақаларида узоқ йиллар ҳилпираб туради деб ишонаман.

● Абдуқаҳҳор САИДОВ, Собир Раҳимов туманидаги коллеж ўқувчиси, кикбоксинг бўйича 2006 йилда жаҳон чемпиони, икки марта республика чемпиони:

—Ота-онам машҳур спортчи бўлишим, тенгдошларимдан ортда қолмаслигим, чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилишим учун барча шароитни яратиб беришган. Қолаверса устозларим, машғулотларда қатнашиш учун барча имкониятларнинг етарли эканлиги ғалабага омил бўлмоқда. Мен келажакда Ватанимга, ота-онамга содиқ ўғлон бўламан, Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш ҳамиша насиб этишини орзу қиламан.

Спорт — тинчлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, саломатлик элчиси. Шундай экан, ҳар биримиз ўз соғлиғимиз, фарзандларимиз саломатлигига масъул эканлигимизга эътиборни қаратайлик. Ахир соғлом авлод — юрт келажаги, умид юлдузи, эртамиз кафолати. Спорт — доимий дўстимиз, яқин ҳамкоримизга айлансин.

(Ўз мухбиримиз)

Мусобақалар

«СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ»

«КАМОЛОТ» ЁИҲ СЕРГЕЛИ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТУМАНДА ЖОЙЛАШГАН 33-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «СОҒЛОМ ТАНДА —СОҒ АҚЛ» ШИОРИ ОСТИДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, спортга бўлган қизиқишларини кучайтириш, ОИТС, гиёвандлик ва чекишнинг салбий оқибатларини тушунтириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ўтказилган спорт мусобақалари давомида югуриш, сакроғичда сакраш, копток билан югуриш, арқон тортиш, бир оёқда сакраш каби йўналишларда қизғин баҳслар уюштирилди.

Ушбу мусобақаларда 4,5,6-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Болажонларнинг шодон қийқириқлари, ғалабага астойдил интилишлари билан ўтган ушбу тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Танлов якунида иштирокчиларга «Камолот» ЁИҲ Сергели туман бўлими Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Алишер МИРЗАЕВ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БУНЁД ЭТИЛГАН «КАМОЛОТ» БАДМИНТОН МАЙДОНЧАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТУМАНДАГИ «ШАЙХОНТОҲУР» НОМЛИ МАҲАЛЛАДАГИ ҚАРОВСИЗ МАЙДОНЧА ТОЗАЛАНИБ, ОБОДОНЛАШТИРИЛИБ БОЛАЖОНЛАР УЧУН УШБУ СПОРТ МАЙДОНЧАСИНИНГ ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚАД РОСТЛАГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ АЛБАТТА.

«КАМОЛОТ» — ЁШЛАРГА ДОИМО ҚАНОТ!

Спорт майдончасини бунёд этишдан кўзланган мақсад, болажонларнинг спорт билан шуғулланиб, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш; уларнинг спорт билан шуғулланишларига кўмаклашишдан иборатдир. Шунингдек, Республикамизда ҳали тўлиқ ривожланиб улгурмаган спортнинг бадминтон тури билан шуғулланиш учун маҳалла ёшларига шароит яратишдир.

—Айни шу мақсадда спорт майдончаси ҳудудида «Камолот» бадминтон майдончаси ҳам бунёд этилди, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ходими Шаҳноза Умархўжаева. — Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлашда албатта бу фойдали бўлади.

Майдончанинг очилиш маросимида бир қатор меҳмонлар, маҳалла фуқаролари ва ёшлар иштирок этишди. Айнан шу куни биринчи маротаба бадминтон бўйича маҳалла болалари ўртасида маҳалла очиқ чемпионати мусобақаси ўтказилди.

Ниҳоятда завқу шавқ, тортишув ва кўтаринкиликда ўтган ушбу мусобақа ғолибларига «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мирзо МУҲАММАД АЛИШЕР, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

Сўранг, жавоб берамиз

Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Баъзан ярим тунда мопедлар тариллаб қолади.Битта қўшниникида базми-жамшидда баланд қилиб қўйилган мусиқа асабни ўйнатади. Бошқасиникида уришжанжал. Хўш, қонунчилигимизда шундай кимсалар танобини тортиб қўядиган чора-тадбирлар борми?

Аҳрор Иноғомов,
Жаббор Саломов,
Шайхонтоҳур тумани.

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» ги Кодекснинг 192-моддасида «Тунги вақтда—кечаси соат 23 дан эрталаб 6 гача фуқароларнинг осойишталиги ва яхши дам олишини бузиш, яъни баланд овозда ашула айтиш, мусиқа чалиш, ҳар қандай шовқин-сурон солиш каби ҳолатлар учун» жавобгарлик белгиланган. Чунончи, бундай фуқаролар энг кам иш ҳақининг учдан бир, мансабдор шахслар иккидан бир қисми миқдорида жарима тўлайдилар. Агар бу ҳаракат яна такрорланса иккидан бир ёки бир баравар миқдорида жаримага тортилади. Агар сиз тартибга чақирганингизда ҳақоратласа тартиббузарнинг айби оғирлашади. Энди у мазкур Кодекснинг 41-моддаси билан «ҳақорат қилганлиги учун» ҳам қўшиб жавобгар қилинади. Жарима ҳажми икки баробаргача ошади.

Агар у кўпчиликни безовта қилса, менсимаса 183-модда, яъни «Майда безорилик учун» ҳам қўшимча жазога тортилади. Бунда жарима миқдори беш баробаргача ошади, тартиббузар ҳаддидан ошиб кетган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Хуллас сизнинг тинчлик-осойишталигингиз қонун ҳимоясидадир.

* * *

Телевидение ва кундалик матбуот нашрларида оила қурган ёшларнинг баъзилари кўп вақт ўтмасдан ажрашиб кетаётгани хусусидаги хабарларни эшитиб, ўқиб қоламиз. Бунинг асосий сабаблари нимадалигини ҳуқуқшунослар тушунтириб берсалар?

Гули Асқарова,
Юнусобод тумани

Бизнингча бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Жумладан, айрим ёш йигит-қизлар оила, мустақил ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб турмуш қурадилар. Баъзилар эса ота-оналари ҳисобига яшаб ўрганиб қолганликдан ва бирон бир касб-ҳунарлари йўқлигидан арзимаган келишмовчиликларга чидолмай ажрашиб кетмоқдалар. Баъзан жисмоний ва руҳий жиҳатдан тўлиқ шаклланмаган ёки балоғатга етмаган ўсмирларнинг бирга яшашлари турли можароларга сабаб бўлаётир.

Шунингдек, ажралишларга мол-дунёга ҳирс қўйиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, хиёнат кўчасига кириш каби ўнлаб иллатларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

* * *

Ногиронлик гуруҳига эга ходимни ишдан бўшатиш мумкинми?

Қудрат Султонов,
Сергели тумани

ТМК ва ТМЭК берган ҳужжатларда аввалги ишини бажариши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашда қийинчилик туғилганда шубҳасиз, ТМЭКка сўровнома билан мурожаат этиш лозим. Сўровномада ходим томонидан бажариладиган ишнинг қисқача тавсифи, шунингдек, ўтказиш имконияти бор бўлган бўш лавозимлар рўйхати кўрсатилиши керак. Яъни, қисқа қилиб айтганда, ТМК ёки ТМЭКнинг «ишни давом эттириш ходимнинг соғлиғига тўғри келмайди», деган хулосаси мавжуд бўлгандагина ишдан бўшатилиши мақсадга мувофиқдир.

* * *

Қонунчилигимизда ишлаб чиқаришда аёллар меҳнатини енгиллатиш борасида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилган?

Дилбар Ҳожиева,
Собир Раҳимов тумани.

Меҳнат қонунчилигида аёлларга оилавий вазифаларни бажаришлари муносабати билан тегишли енгиллик, имтиёзлар белгиланган. Масалан, Меҳнат Кодексининг 229-моддасига кўра, ҳомиладор аёл ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг оиланинг бетоб аъзосини парваришлаш билан банд бўлган шахснинг илтимосига биноан, иш берувчи (маъмурият) тиббий хулоса асосида тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаши шарт. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Худди шундай оналар уларнинг хоҳишига қараб, ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддатда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқишлари мумкин.

Қонунчилигимизда ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди) бор оналарни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Айни пайтда ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи борларни тунги ишларга жалб қилиш бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавфсиз эканлигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина мумкин бўлади.

Меҳнат шароити қонунга зид ишлар, шунингдек, ер ости юмушларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Аёллар ўзлари учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ҳам ман этилади.

* * *

Қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилади?

Жавоҳир Раҳимов,
Ҳамза тумани.

Меҳнат кодексининг 76-моддасидан ушбу саволга жавоб топиш мумкин. Унга мувофиқ, бажариладиган ишнинг маълум вақт ўтиши билан объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмай қолган ҳолатларда (масалан, ўт ёқувчини иситиш мавсумига ишга қабул қилиш) ;

Ишни бажариш шартлари номуайян муддатга ишга қабул қилиш имконини бермайдиган ҳолатларда (масалан, ходимни касаллик ёки таътил давридан ишга қайтгунига қадар ишга қабул қилиш) ;

Ходимнинг ўзи манфаатдор бўлган ҳолатда (масалан, пенсия ёшига етгунига қадар, талабанинг ёзги меҳнат даврида ишга қабул қилиниши) муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

Абдурауф Тожиев,
ҳуқуқшунос.

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИКМАТЛАР

Одам саломат бўлса-ю, умрини беҳуда ўтказса, бундай тириклик разолатдир.

* * *

Одамнинг куни тўқликда ҳам, очликда ҳам ўтаверади.

* * *

Дунёнинг ҳаловатлари ҳам, машаққатлари ҳам узоққа бормайди, бас, шундай экан, бунчалик ҳасрату надоматнинг нима кераги бор?

* * *

Одам арзимас эзгуликка эришдими, ўзини унутади, сўзларини яшил осмондан ҳам баландпарвоз қилиб юритади.

* * *

Тақдир сенга юзланиб, бахт кулиб боқса, нимани орзу қилсанг, ўшанга муяссар бўлаверасан.

* * *

Нарса, мол-дунё йиғиб умр ўтказсанг, ўлганингдан кейин улар кимга қолади?!

* * *

Одам бу дунёни истаб елиб-югурса,
Тоат-ибодатлар иши тўхтаб қолади.

* * *

Қариликнинг ишларини йигитликда қилгин,
Қаригач куч кетади,ёш ҳам ўтиб қолади.

* * *

Аччиқ, чучук овқатлар таомнинг лаззатидир,
Томоқ лаззатининг кетидан қувган киши ҳайвондир.

* * *

Нафсга эрк берма.

* * *

Ўлим пистирмадан чиққандай бемаҳал келади.

* * *

Тириклик сезилмасдан ўтиб кетади.

* * *

Ҳар нарсанинг ҳадди, фурсатлари бор,
Фурсатдан ўтказма ишни, эй номдор.

* * *

Киши кўнгли тилар доим эзгуни,
Овутади умид билан ўзини.

* * *

Орзу-тилагини олсами тугал,
Ундан тўлар кўнгил, кесар сўзини.

* * *

Кичикдан улуғга тегармн зиён?

* * *

Не янглиғ бек бўлур элига улуғ,
Тили ёлғон эса, қўли қуп-қуруғ.

* * *

Сўзидан ким қайтса, мард дема уни.
Гапирган гапидан қайтмади мардлар,
Сўзидан қайтганлар—аёлнинг тенги.

* * *

Бу кун эзгулик қил, эл юкин кўтар,
Даврон ўтиб, охир эзгулик етар.

* * *

Роҳат ва ҳаловат узоққа чўзилмайди.

* * *

Бизлар ҳавас-орзуларнинг асирларимиз.

* * *

Бу дунёнинг роҳат-фароғатлари кам, машаққатлари эса кўпдир.

* * *

Улуғлигингга ортиқча мағрурланиб севинмагин,улуғликка эришсанг, буни бошоғриқ деб билгин.

* * *

Шодлик қаерда бўлса, сўнггида балоси ҳам бўлади.

* * *

Бўлғуси ишлар қоронғи тун ичидагидек қоронғи-уни ёруғ кун келиб албатта ёритади.

* * *

Бу замоннинг ёйи отишга тортилган бўлади - унинг гоҳи нафи тегади, гоҳо зиёни.

* * *

Қайси бир иш бўлмасин, уни қилиб, роҳатини кўрмасанг, у ишнинг анчайин баҳридан ўтиш керак.

* * *

Кўнгил орзулаганда йироқ ер яқин бўлади. Кўнгил истамасдан қаерга қадам ташланса, у ер қанча яқин бўлса ҳам узоқ туюлади.

* * *

Кўнгил кимни севса, унга талпинса, масофа қанча узоқ бўлса ҳам яқин туюлади.

* * *

Кичиклар улуғларнинг қаҳридан эминлик топсалар,уларнинг хайрлари паноҳида саломат яшайдилар.

* * *

Сўзидан қайтган одамдан бахт юз ўгиради.

* * *

Одамлар орасида энг ярамаси ёлғончи бўлади, ярамасларнинг ярамаси эса сўзидан қайтган одамдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ РОССИЯДАГИ ҒАЛАБАСИ

РОССИЯНИНГ ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ ЎЗБЕКИСТОН, УКРАИНА ВА ОЗАРБОЙЖОНДАН КЕЛГАН ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ.

Халқаро турнирнинг асосий учрашувида ҳамюртимиз Шерзод Ҳусанов россиялик Евгений Пешехоновга қарши олти раундлик жангда рингга чиқди. Профессионал боксчилик фаолиятини жорий йилда бошлаган ҳамюртимиз шу кунгача ўтказилган бешта учрашувнинг барчасида зафар қучиб, икки маротаба рақибларини нокаутга учратган эди.

Шерзод олтинчи жангини ҳам кескин ҳужумлар билан бошлади. Унинг тезкор, чаққон ҳаракатлари ва аниқ зарбалари профессионал рингда йигирма учинчи учрашувини ўтказаётган россиялик боксчини анча қийнаб қўйди. Олти раундлик жанг сўнгги дақиқагача ўзбекистонлик боксчи устунлигида ўтди ва Шерзод Ҳусанов кетма-кет олтинчи ғалабасига эришди.

Профессионал боксчилик фаолиятини 2005 йилда бошлаган 23 ёшли ҳамюртимиз Ғайрат Абдуҳакимов ўшанда биринчи жангини муваффақиятли якунлагандан кейин рингга чиқмаган эди. Екатеринбургда ўтказилган профессионал бокс кечасида истеъдодли боксчимиз катта спортга қайтганини ғалаба билан нишонлади.

Озарбойжонлик Ниёзий Самедовга қарши тўрт раундлик жанг ўтказиш учун рингга кўтарилган Ғайрат Абдуҳакимовга рақибидан устунлигини исботлаш учун бир неча дақиқа кифоя қилди, холос. Биринчи раундда ўзбекистонлик боксчининг кучли зарбасига дош беролмаган Ниёзий Самедов нокаутга учради.

Екатеринбургдаги турнирда яна бир ҳамюртимиз Фаррух Ғоибназаров профессионал боксдаги фаолиятини муваффақиятли бошлади. Россиялик дебютант боксчи Сергей Орлов билан куч синашган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси тўрт раундлик жангнинг сўнгги дақиқаларида рақибини нокаутга учратди.

ЎЗБЕКИСТОН – МДҲ ЧЕМПИОНИ!

РОССИЯНИНГ НИЖНИЙ НОВГОРОД ШАҲРИДА НОГИРОН-АМПУТАНТЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ) КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ, ЎЗБЕКИСТОН, МОЛДОВА, АБХАЗИЯ ВА УКРАИНА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.

Гуруҳ беллашувларида барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари тўғридан-тўғри финалга чиқди ва бош соврин учун ўтказилган баҳсда Россия терма жамоасига қарши тўп сурди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган финал баҳси ўзбекистонликлар учун муваффақиятли якунланди. Мезбонлардан 2:1 ҳисобида устун келган ҳамюртларимиз МДҲ кубогини қўлга киритди.

Мусобақа якунида ўзини кўрсатган футболчилар бешта номинация бўйича тақдирланди. Совринларнинг тўрттаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига насиб этди. Унга кўра Зоҳиджон Тошхўжаев «Энг яхши дарвозабон», Ҳайдарали Турсунбоев «Энг яхши ҳимоячи», Аъзам Исматов «Энг яхши ҳужумчи» ва Абдужамил Шукуров эса «Энг яхши тўпурар»га аталган совринларга сазовор бўлди.

ВАДИМНИНГ ҚЎШ ЮТУҒИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган каноэда эшкак эшиш устаси Вадим Миньков 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойгаларда барча рақибларини ортда қолдириб, терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медаль тақдим этди.

Ўзбекистонлик каноэчилардан Герасим Кочнев ҳамда Серик Мирбеков 1000 метрга ўтказилган пойгада кумуш медални қўлга киритган бўлса, 200 ва 500 метрлик пойгаларда ҳамюртларимиз маррага учинчи бўлиб келишди.

Байдаркада эшкак эшиш бўйича тажрибали Сергей Борзов ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқлади. Дастлаб, 500 метрга яккаликлар ўртасида ўтказилган пойгада кумуш медални қўлга киритган тажрибали спортчимиз тўртликлар баҳсида бир километр масофани босиб ўтишда Владимир Осокин, Вячеслав Горн ва Алексей Питяков каби ёш спортчиларимизга ёрдамлашиб юборди ва жамоамиз ҳисобига яна бир кумуш медаль келтирди. Бундан ташқари, мазкур тўртлик 200 ва 500 метрлик пойгаларда ҳам бир жуфт бронза медалга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида 15 километрга ўтказилган пойгада эса Ксения Прилепская ҳамда Мария Михеда дуэти шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Осиё чемпионатида иккита олтин, учта кумуш ва бешта бронза, жами ўнта медални қўлга киритган ҳамюртларимиз келаси йили баҳор ойида ташкил этиладиган ваlекиң Олимпиадасига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўрмоқда.



Боҳи БЕК

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 26 ОКТЯБРЬ-3 НОЯБРЬ КУНЛАРИ МАКАО ЁПИҚ ИНШООТЛАРИДА СИЁ ЎЙИНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Шуниси эътиборлики, Осиё Олимпия Кенгаши ташаббуси билан спортнинг енгил атлетика, сузиш, муайтай, шахмат, боулинг, спорт рақслари, футзал, кикбоксинг, электроўйинлар турлари бўйича иккинчи марта уюштирилаётган вакил нуфузли турнирда қитъамизнинг ўнлаб давлатлари вакиллари қаторида мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этишади ва Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Қувонарли жиҳати шундаки, ёпиқ иншоотларида ўтадиган Осиё ўйинларида миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи кураш бўйича ҳам мусобақалар уюштирилади. Айни кунларда қитъанинг нуфузли турнирида совринли ўринларни эгаллашга аҳд қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари сўнгги машғулотларини ўтказишмоқда.

Биз ўзбекистонлик мухлислар номидан спортчиларимизга муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДАШЕВ

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

ЗЎРИҚИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

СТРЕСС ҲОЛАТИ – УНИ КЎРИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ МУМКИНМИ? ҲА, ДЕЯ ЖАВОБ БЕРИШАДИ ОЛИМЛАР. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ 25 ЙИЛЛИК ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР БЕКОР КЕТМАДИ: УЛАР НАТИЖАСИДА, ЯЪНИ ТИББИЁТ ТУРЛИ СОҲАЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ШУНЧА ЙИЛЛИК МЕҲНАТЛАРИ САМАРАСИ СИФАТИДА ТАНАМИЗНИНГ ЭНГ МУҚАДДАС ВА СИРЛИ АЪЗОСИ БЎЛМИШ МИЯМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРНИ КЎРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН АСБОБ ДУНЁГА КЕЛДИ.

— Биология фанлари доктори, профессор Виталий Фокин ва тиббиёт фанлари доктори Наталья Пономарёвалар ишлаб чиққан усул дастлаб Россия тиббиёт фанлари академияси Мия илмий-текшириш институтида қўлланила бошлаган,-дея ҳикоя қилади тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов.— Бу ерда миянинг ривожланиш ва қариш жараёнида энергетик алмашинув бўйича асосий тадқиқотлар олиб борилган. Ўтган асрнинг 80-йилларида Альцгеймер касаллиги ва хавфлиликда ундан қолишмайдиган миянинг зўриқиши муаммолари юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилганди.

Ҳозирги замон фани ютуқларидан фойдаланган ҳолда эндиликда "зўриқиб ҳориган" мияларни қутқариш мумкин бўлиб қолди. Бундан ташқари болаларнинг техник ёки гуманитар фанларга бўлган туғма лаёқатларини аниқлаш, уларга касб танлашда ёрдам бериш, депрессия ва стрессларни даволаш ва уларнинг олдини олиш усулини танлаш, биологик фаол қўшимчалар ва дорилардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш мумкин.

Юқоридаги асбоб қандай ишлашини профессор Виталий Фокин шундай ҳикоя қилиб берганди: "Мияга етиб келадиган ахборотни қайта ишлаш учун глюкоза парчаланганида ажралиб чиқадиган энергия керак бўлади. Айнан шунинг учун ҳам истеъмол қилинган бир чақмоқ қант ёки бир дона шоколад мия фаоллиги тонусини сезиларли оширади. Сут кислотаси ва карбонат кислотаси парчаланишнинг сўнгги маҳсули ҳисобланади.

Мия юзасидаги потенциаллар ҳажми миядаги кислоталар концентрациясига боғлиқ. Ушбу концентрация даражасини махсус асбоб билан ўлчаш мумкин. Бунинг учун бошнинг муайян участкаларига датчиклар қўйилади ва олинган маълумотлар компьютер мониторида карталар, графика ва рақамлар кўринишида намоён бўлади".

Миянинг рангли тасвирини хавф-хатар айнан қаерда яширинганини кўрсатиб беради. Тасвирга туширилган зоналарнинг катта қисми яшил рангда бўлса, унда ҳаммаси табиатда қандай бўлса шундоқ – хавотирга ўрин йўқ. Ёрқин қизил зона мия авария ҳолатида ишлаётганидан дарак беради. Агар 6-7 йил илгари стрессли қизил зона максимал даража деб ҳисобланиб, синовчи-учувчиларда ерга қўнганларидан кейин кузатилган бўлса, ҳозир оддий идора менежерларини шу асбобда текширилганда қора шкалалар етишмайди, яъни, образли қилиб айтганда мия "қизиб, куяй деб қолган".

Текширишлар кўрсатишича, оддий идора ходимининг стресс даражаси нормадан ўнлаб марта юқори бўлиши мумкин ва бу сурункали стрессдир. Бундай ҳолатни менежер синдроми деб, халқ орасида эса силласи қуриган от деб ҳам аташади. Ишга кўмилиб қолган одам, амаллаб шу ишни охирига етказсам – дам оламан, деб ўйлайди. Мия эса, "кўмир"га айланиб, қора зонага ўтаётганидан безовта хабарлар юборади.

Энг ёмони шу одамнинг ўзи бундай ҳолатни одатий нормал ҳолат, ҳаётнинг ўзи шунақа, деб ҳисоблайди. Ундан чиқишни хоҳлаганлар ҳам кофе ичиб, қувватлантирувчи ичимликлар истеъмол қилиб, кўп чекиб, аҳволларини яхшилашга интилишади. Булар эса, аслида аҳволни янада жиддийлаштиради, холос. Жума-шанба кунлари ичкилик билан ҳордиқ чиқариб, кейин бир кун ухлаб, ундан кейин яна "жангга киришиш" одати организмнинг тикланиш имкониятларини зўриқтиришга олиб келади. Аслида юқоридаги ҳолатни махсус танланган дори-дармонлар билан камида бир ой даволаш йўли билангина барҳам топтириш мумкин.

Кўпчилик, таътил вақтида дам оламан деб, ўзига таскин бериб юради. Аммо 2-3 ҳафта ичида ҳаммаси нормага келиб қолмайди, организм чидармайди. Ахир гап ҳатто зўриқмасликда ҳам эмас (бизнинг ҳаётимизда ундан ҳам бунинг иложи йўқ), балки вақтида танага дам бериб, асабларни бўшаштириб, организмни тиклаб олишда. Мия кўп нарсага қодир эканини ичимлик билади, лекин бу органимзни ҳаддан зиёд зўриқтириб ишлатиш эрак, деган гап эмас.

Одам батарейкасини алмаштириб қўйса ишлаб кетаверадиган трезисторли приёмник эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мия уч ярим миллиард йил давомида ортиқ қаттиқ зўриқса, ҳеч қайсиғи гипнозчилару психологлар одам беришолмас экан.

Миянинг жиддий бузилишлар ҳақида хабар қилувчи зоналар кўк спектр ва қора рангга бўялган бўлади. Бундай одам ҳеч нарсага қизиқмайди, у тушкунликка тушган, биокимёвий жараёнлар ҳам бузилган, асаб тизими толиққан бўлади. Дарвоқе, суткалаб компьютер ўйинларини ўйнайдиган болалар ва ўсмирларда ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Зўриққан мияни шошилинч равишда нормал ҳолатга келтириш, ирашира қоронғуликдан олиб чиқиш керак ва бу ишни шифокорнинг сичков назорати остида бажариш лозимТиклаш жараёнларини амалга ошириш мумкин ва буни инсультни бошдан кечирган беморларда кузатса бўлади.

Бир сўз билан айтганда, энг ноёб ва биз учун аҳамияти чексиз бўлган мўъжизавий аъзоимиз – миямизга нисбатан бефарқ бўлмайлик, нинг бир маромда ишлашига ёрдам бериб борайлик. Шунда кўпгина бошқа хасталикларнинг ҳам олдини олган бўламиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 9 ноябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаларини қўймоқда

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 июлдаги 8430/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 16-уй манзилидаги Тошкент шаҳар ПХ СВОЖ ЖДЛКК ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30D4121 бўлган 1992 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-310290» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-2 102 600 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 22 майдаги 5796/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур кўчаси, 16-уй манзилидаги Тошкент шаҳар ПХ СВОЖ ЖДЛКК ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30M9381 бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-6 077 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уйда жойлашган

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

2007 йилнинг 23, 30 октябр ва 6, 13, 20 ноябр кунлари соат 11:00да савдога такрорн қўйилган автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкет шаҳар С.Раҳимов тумани судининг 2007 йил 18 майдаги 1-295/07 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ омборхонасида сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 О 7028 бўлган, техник носоз, "ВАЗ 2106" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 1 253 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкет шаҳар Чилонзор тумани судининг 2006 йил 13 ноябрдаги 1-1048-2006 сонли ижро варақсига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ омборхонасида сақланаётган, 1973 йила ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 N 8195 бўлган, техник носоз, "ВАЗ 2103" русуми автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 1 214 000 сўм.

Ушбу автотранспорт билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан ки бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АКИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 009(, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегиши ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 13.45